

# Ishonch

2010-yil 6-mart № 29 (2754) shanba

**ШОХИЯТ**  
**Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистони-мизнинг бахтидир.**  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

**Мунис ва мухтарам онахонлар! Қадрили опа-сингиллар, дилбар кизларим!**

Барчамиз ҳаммиса соғиниб, орзиқиб кутадиган мана шу илк баҳор кунларида, табиат очилиб, кўнгиллар шодлик ва қувончга тўлиб бораётган шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини кутлуг сана — 8 март байрами билан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Сизларга қалбимиз тўрида бўлган энг эзгу тилакларимиз, чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этиш учун барчамизга, аввало, эркак зотига яна бир имкон берадиган, бамисоли қўлдан келгани янглиг кириб келадиган бу байрам баҳорининг ўзи каби қадрили ва севимлидир.

Баҳор тинимсизлигида табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри ва жозибаси қанчалик яққол намоев бўлса, аёл тинимсизлигида энг юксак инсоний фазилатлар шу қадар ёрқин намоев бўлади.

Биз одатда табиат, ер, тил ва ватан каби муътабар тушунчаларни «она табиат», «она ер», «она тили» ва «она Ватан» деб улуғлаймиз, уларни азиз ва меҳрибон оналаримизга қиёс этамиз. Ва бу қиёслашнинг жуда чуқур ички маъно-маъмуни борлигини англаш, тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

Кўнглимиз фарштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлиши аёл сиймоси халқимиз тасавурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тинимсиз бўлиб келади. Бунинг тасдиғини эл-юртимизнинг миллий тарихи, ҳаёт ва тафаккур тарзида, аёл шайнини улуғлаб, гўзал қасидалар яратган мумтоз адабиётимиз саҳифаларида яққол кўриш мумкин.

Бизнинг аёлларга муносабатимиз, ҳеч шубҳасиз, ана шундай юксак мезонлар негизда камол топган бўлиб, аёл зотига беқўбур ҳурмат ва эҳтиром намунасини бошқалар балки биздан ўрганиши керакдир.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин онани, аёлни доимо эъзозлаб, ардоқлаб яшашга интилиш туйғусини болаларимиз ва набираларимизга, келгуси авлодимизга беэволаб етказиш биз учун энг олижаноб, энг буюк вазифа бўлиб қолиши зарур, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

**Азиз опа-сингиллар!**

Биз ўз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт кўриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаятигимиз ҳақида, ўйлайманки, ортинча гапиришнинг ҳожаги йўқ.

Бундай сиёсатнинг амалии самарасини бугунги кунда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятидан тўғри суд-ҳуқуқ соҳасида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, мухтасар айтганда, ҳаётимизнинг барча босқичларида кўриш, кузатиш мумкин.

Шуниси эътиборга сазоворки, хотин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга, ўзининг билими, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мақодаларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрinni олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз мамлакатимизнинг ёруғ келажигини кўзда тутган ҳолда 2010 йилни юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилдик. Бу қароримизнинг маъно-моҳиятини лўнда қилиб ифода этадиган бўлса, кўп марта такрорланган бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашга тўғри келади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кўндалиж ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Биз ўз олдимишга ана шундай ўта мураккаб мақсадни қўяр эканмиш, бундай улуг вазифани адо этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, буюк ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Яъни, эртанги кунимизнинг мустақкам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айнан аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва сўянчимиз бўлиб майдонга чиқишини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

**Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.**

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган дастур ва тadbирларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақат учта муҳим йўналиш бўйича баъзи рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари жаҳон миқёсида ўлка-қизилган нуфузли фан олимпиадаларида гўлиб бўлиб, жами 41 та медални кўлга киритган бўлса, уларнинг 8 таси кизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Эки санъат ва мусика соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Дехли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабамиз гўлибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари киз болалар эканини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Ана шу охириги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан кизларимиз экани албатта барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтилган, азизлар, бундан ўн беш-ийгирма йил олдин ўзгалар ҳавас қиладиган бундай улкан уфқ ва мар-

Ер юзидаги миллиардлаб одамлар турфа тилларда гаплашадилар. Лекин уларнинг ҳаммаси аёл ва онага, севикли ёрга аталган инжу тилакларини фақат бир тилда — юрак, қалб кўри дейилиш забонда изҳор қиладилар ва бундан чексиз қувондилар. энг азиз инсонларини беихтиёр соғиниб, қўмсаб яшайдилар.

Аслида шундай лаҳзаларда дил сўйлайди, Чехрадаги самимият, нигоҳдаги ёлқини барчага бирдек етказиш учун таржимон шарт эмас. Балки аёл зотини, она сиймосини таърифлашга тил ожизлиги хусусидаги иборанинг пайдо бўлгани, Алишер Навоийдек сўз мулкунинг сўлтони ҳам волида ва ёр васфига мукамал «ташбех топа олмай ўтгани» ҳам шундайлар.

Навоий замонидан бунён неча аср, қанча шоир ўтди. Уларнинг ҳар бири эски мавзунинг янгича қўйлашга, ўзига хос тараннум этишга интилди.



## Аёлма

### қўйилган ҳайкал

Хар баҳорнинг аёллар байрами ила бошланишида ўзига хос маъно муҳассам. Қўлдан келиши билан пурикдор тоғлардаги қорлар эриши натижасида зилот жил-галларнинг шивирлаши, тошдан-тошга урилиб қийирлаши қўрқ ўрим сочларига гул-чечак таққан қизалоқларнинг қулгусига ўхшайди. Бунда беғуборлик бор, поклик ва мусафотлик бор.

Халқ мақолида тоғнинг кўрки қор билан, эрнинг кўрки ёр билан дея талкин қилинишида ана шу қиёс — бири ўрнини бошқасига бўшаитиб бериш ҳодисаси акс этган бўлса не ажаб. Қаҳратон изғиринини истамас қалбларда баҳор ёллари боис табиат янглиг уйғониш куватлида, орзиққан кўнгилларда дарахт новдаси янглиг муҳаббат кўртка ёзади.

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, биз бетақор юртимиз, гўзал ўлками, барчани мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос қалб саховати, ҳаё ва ифбат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардод ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли ноъमतлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир.

Хозирги кунда давлат ва жамият қурилиши, ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсон этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлашда, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда мухтарам оналаримиз, мунис аёлларимиз ва қадрдон опа-сингилларимизнинг фидокорона хизмат қилаётгани халқимизнинг бахти, жамиятимизнинг бойлиги.

Шу маънода мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, биринчи гада хонадон бекалари дўх келадиган уй-жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича кўп иш қилинаётганини, таъбир жоиз бўлса, бу борадаги ислохотлар изчиллиги таъминланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Болалигимизда кўпни кўрган кексалардан Ўзбек аёлига ҳайкал қўймоқ керак деган гапни эшитганим хотирамда қолган. Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ана шу орузи ҳам рўёбга чиқди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида бир эмас, бир неча муаззам ҳайкал ўрнатилди. Хотира хёбонидидаги мотамсаро она, Мустақиллик майдонидидаги бахтиёр она... Яқиндагина қад ростлаган «Ватанга қасам» ҳайкалида ҳам ватанпарвар ва баркамол авлод тарбиячиси бўлган она сиймоси акс этган.

Бу муҳташам бадий маҳмузда тасвирланган халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимизнинг бетақор тинимсиз бўлиши байроғимизни кўзига тўтиб қилиб, ватан химоси учун, ота-боболаримиз хоки ётган кутлуг заминнинг ҳар қарч тупроғини асраш учун тайёрман деб тиз чўкиб қасамд қилмоқда. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сўт берган, баргида кўтариб вояга етказган, ватан тинимсиз бўлган мунис ва муътабар она бамисоли ўз кўрғонин олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ йўл тиламоқда.

Назаримда, чуқур маънога эга бу композициядаги она сиймоси ишонч осмонига учирган дилбандига тиниқ тонлар ила салом айтаётти. Меҳрга қон баргига саломат қайтишини сўраётти. Шунда унинг бошини оқуш мисол майин силлашини, қавму қариндoshi, қўни-қўшинини чорлаб туй қилишини ўйлаётти. Ўзбегим оналарни ҳаммиса шундай қилган. Улғига тишлаб қолган нонни уйнинг тўрида сақлашди. Насибаси тортиб турсин дейди. Авлоддан авлодга ўтиб келаятган миллий қадрият, оқибатга йўрилган аънава бу.

Она бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратди, аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фарштаси, жаннат оналар оёғи остидадир... Уларнинг қай бирини келтирмаган таърифингиз камдай туюлаверади. Аёл зотининг синоатга тўлаллиги, онанинг буюклиги ҳам шундайлар.

Озод РАЖАБОВ, ЎзА шарҳловчиси



## Гўзаллик ва нафосат байрами

### «Туркистон» саройида халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 5 март куни пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгуликларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу кун «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда кўп йиллардан бунён самарали меҳнат қиладиган хотин-қизлар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари

вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тақдиф этилди.

Тантанали тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ кизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Риси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Касабақўм кутлайди

2000 йили қабул қилинган Мингйиллик Ривожланиш Макссадлари (МРМ) доирасида 2015 йилгача дунё микёсида таълим тизимида эркаклар ва аёллар тенгхуқуқчилигини таъминлашга эришиш БМТ олдидagi бош макссад қилиб олинди. Лекин бунга эришишнинг биринчи босқичи — 2005 йилгача бошланғич ва ўрта таълимда тенгликка эришиш масаласида айрим мамлакатларгина муваффақият қозона олди.

Бағора ярашган тантана

Дунё бўйича таълим олиш имкониятидан бебаҳра аҳолининг аксариятини ҳануз аёллар ташкил этмоқда. Парламент ва ҳукумат идораларида аёллар сонининг камлиги ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиши учун етарли шароит яратилмагани билан изоҳланади. Дунёнинг аксарият давлатларида аёллар асосий вақтини ана шундай камчилиги қийинчиликлар билан мурасасиз курашга сарфлаётти. Бундай маълумотларни тинглаган юрtdошимиз борки, дориламон кунлар учун Яратганга шукур айтади.

Аёлларни эъзозлаш инсоний бурчимиздир. Аёлларни ҳурмат қилиш, уларни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Касаба уюшмаларининг ҳаракатида бунга алоҳида ўрин ажратилган, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тинимсиз фаолият олиб бормоқда. Зеро, аёли соғ оила хотиржамдир, онаси заковатли фарзанднинг келажаги порлоқ бўлади. Аёллар ҳимояланган юртнинг эса келажаги барқарор, тараққиёти бардавом. Бу олтин қонидани фаолиятимизда шior қилиб олганмиз. Тумандаги касаба уюшма аъзолари орасида мингта яқини аёллардир. Ҳар бир ташкилот ёки корхонага борганда, аввало, опа-сингилларимиз билан суҳбатлашишга ҳаракат қиламиз. Уларга яратилган шароит билан танишамиз. Ишда муваффақиятга эришадиганларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Баҳордан илк дараклар келганда биз ҳам байрам тараддудига тушдик. Кўпкамнинг ўзи бир тантана бўлса, гўзал хотин-қизларимиз байрами шу тантананинг бош безагидир. Яқинда «Гузар сервис» МЧЖда туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда байрам тадбири ўтказдик. Иштирокчиларга совғалар улашилди.

Шунингдек, тиббиёт момиғини ишлаб чиқарувчи «Баракат алфа» корхонасига бориб, хотин-қизларнинг иш соатини қисқартириш хусусида келишиб олинди.

Кеча «Бахт диёр кошонаси»да фаол аёллар учун туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда байрам тантанасини ташкиллаштирдик. Касаба уюшмаларининг совғалари улашилди. Бир пиёла чой устида қилинажак ишлар, галдаги вазифалар хусусида гаплашиб олдик. Энг муҳими — элнинг дуоси, ризолигидир.

Шoиpa ШАМШИЕВА, Сергели туман савдо ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси вакили

Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинига Олмаҳон Бердимуродова раис этиб сайлангандан буён, қисқа вақтда савдо ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар сони 25 тадан ошди. Шароф Рашидов ҳамда Оқунбоев номли маҳаллаларда кўркам гузарлар иш бошлади.



2010 йил аёли

Эҳтиром

Юздан ортиқ иш ўрни барпо этилди. Аҳолини тоза сув билан таъминлашга осонликча эришилмади. Чунки 23 та артезиан қудуқдан 9 таси ишларди. Олмаҳон маҳалла раислари ҳамкорлигида фуқароларни хашарга бошлади. Худуддаги 17 та фермер хўжалиги раҳбарлари ҳам ҳиммат қўлини чўзди. Ҳамжихатлик самара бериб, қудуқлар бирин-кетин ишга тушди.

Уртаариқ, Қораҳон, Қизилбой қишлоқларида табиий газ этиб бормаётганлигидан раисга арз қилишди. Аҳолининг ҳақли талаби инobatга олинди. Олмаҳон Бердимуродова туман газлаштириш идораси раҳбарлари билан боғланди. Газ таъминотидаги узиллишлар сабаби ўрганилди. Янги қувурлар тортишга тўғри келди. Эскириб қолган газ тармоқлари таъмирланди. Икки минг хонадонда зангори олов ёниб,

шунчаки кўнгил сўраш учун эмас, уларнинг орасталиги ҳам кўздан кечирилади. Ночор оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун моддий ёрдам ажратилади. Утган йили қишлоқ йиғинида «Ибрatли хонадон», «Намунали оила», «Ораста ҳовли» танловлари ўтказилди. Қолибларга совринлар топширилди, мукофотлар берилди. Ана шундай оилалар сони 15 тадан ошди. Кўчат ўтқазиш мавсумига қишлоқда ҳар йили алоҳида

эътибор берилади. 2009 йили кўча ёқалари, ариқ бўйлари, томорқаларга 10 минг тупдан ортиқ меваги ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган бўлса, бу йил уларнинг сони 12 мингга етказилиши кўзда тутилган. Олмаҳон Бердимуродова раис сифатида халқ ишончини оқлаб келмоқда. Узи ёш бўлса-да, кўнга бош бўлиб, боз устига турмуш ўртоғи Акрам Холмуродов билан икки ўғил ва бир қизни тарбиялаётган ҳиммати баланд синглимизнинг иши бундан кейин ҳам ўнгидан келишини тилаймиз. Дарвоқе, Сурхон сайлов округидан туман кенгаши депутати Олмаҳон Бердимуродова республика аёллар кенгаши томонидан ўтказилган «Йил аёли» танловида ҳам фаол иштирок этди. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

Тадбир

Андижонда «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан «Кўли гуллар ўзбек аёли» деб номланган кўрғазмали семинар бўлиб ўтди.

АЁЛ тадбиркорларга грантлар

Семинарда қўшни Фарғона ва Наманган вилоятларидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган аёллар, хотин-қизлар кўмитаси раислари иштирок этди. Жамғарма семинар жараёнида «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» танловини ҳам эълон қилди. Бундан кўзланган асосий макссад кам таъминланган оилаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун маблағлар ажратишдир. Андижонлик хунармандлар, оилавий тадбиркор аёллар томонидан тайёрланган кўрғазма намойиши иштирокчиларга манзур бўлди. Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Бизнинг Адолат опа



Адолат Бобоқулловани Яккабоғ туманида яхши танишадим. У болалигидан онаси Бодом холадан тикувчиликни ўрганди, туман хунартехника билим юртида таҳсил олди. Хўжаликдаги тикувчилик цехида, тумандаги кичик корхонада ишлади.

2006-2008 йилларда касб-хунар коллежида қизларга тикиш-бичиш сирларини ўргатди.

2009 йилда эса яхши ният билан «Адолат» тикувчилик цехини очди. Бугун унинг шогирдлари туман аҳолиси учун замонавий ва миллий либослар, элита пардалари, мавсумий кийим-кечаклар тикиб беради. Лобар Салаева, Моҳиба Усмонова, Феруза Шарипова, Зилола Улашева каби тикувчи қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Келинлар учун тикилган мафтункор тўй либослари, миллий дўппилар, нимчалар киши баҳри дилини очади. Адолат опа «Хунарманд» уюшмаларининг

Яккабоғ туман бўлими кўмагида фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида. Кредит олиш учун ариза берган ва яқин кунларда маблағ эъзизига янги тикиш машиналари сотиб олишни, цех ишчилари сонини оширишни мўлжаллаётти.

Ташаббус ва бандлик

— Ҳозирги кунда қўшни Говхона, Синнон, Қишлиқ, Бехўжа, Чинобод, Шаманқирғиз қишлоқларидан қизлар тикиш сирларини ўрганиш истагида келишмоқда, — деди суҳбатдошимиз. — Келажақда ўрганувчилар учун ўқув маркази очишни ҳам режалаштирганмиз.

Акмам АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан барча мунис онахонларни, латофатли опа-сингилларни, шунингдек, тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган аёлларни муборакбод этади. Эзгу ишда ҳар бирингизга бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайди. Фарзандлар камолини кўриш барчангизга насиб этсин! Халқимиз бахтига омон бўлинг.



Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди, Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайди, Назм этди тугал Ҳофизу Саъдию Навоий, Не қолди, деманг, ишқдаги дoston тугамайди.


Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Барча опа-сингилларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, яхши кайфият ҳамда барча эзгу ниятлари рўёбга чиқишини тилайди!



Кенгаш Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларни, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғломлаштириш бўйича бир мунча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Утган йили 221 нафар соҳа ходимлари санаторийларда дам олидиришди. Шулордан 150 нафар аёллар бўлиб, 17 нафари бепул йўлланмалар билан таъминланди. Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги профлакторийда 352 нафар киши бўлиб, шулардан 140 нафар талаба бепул соғломлаштиришди. «Шифокор» болалар оромгоҳида эса 755 нафар бола ёшан мароқли ўтказди. Тармоқ касаба уюшмасини ташкил этган сентябрдан 5 нафар талабга ойма-ой бериб берилапти. Тармоқда Баркамол авлод йилига бағишланган иш режаси тузилган. Унга асосан оммавий ахборот воситаларида «Ешлар ҳуқуқи дoнми» химода» руқни ташкил этилди ва йил давомида чиқишлар амалга оширилади. «Ешлар учун белгиланган ниятнелар ва кафолатлар» тўғрисидаги амалий қўлланма chop этилиб, жойларга етказилади. Ночор оилалар фарзандларининг 30 нафари бепул соғломлаштирилади.

# Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси



*Муҳтафам онахонлар, дилбар опа-синимлафимизни  
ғўзаллик ва нафосат байрами —  
8 март — Халқаро хотин-қизлар  
куни билан муқобалқоббод этади.*

*Барғаннизида сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонлариниғизга  
тинчлик ва файзу борака тилайди.*

*Шоленниғиз баланд, умфиниғиз узун,  
юзиниғиз ёрун бўлсин!*

*Сизга оналик саодати, бекалик салтанати, аёллик  
нафосати ҳаммша ёр бўлсин!*

Дилбар, Дилором, Гулчехра... Аёлнинг ўзидек мафтункор бу номларни истаганча давом эттираверинг, бари гўзал, кўнгилга яқин. Нафақат номи, аёлларимизнинг ўзи ҳам меҳр-муҳаббат, фидойиликнинг ёрқин тимсолидир. Шу боис шоирларимиз аёлни мадҳ этганда сўзни нурга, гулга ўраб лутф қилса, мусаввир энг ёрқин рангларни унга илинади.

Шоирлар султони Алишер Навоий аёл гўзаллигини кўёш мунавварлиғига қиёс этади:

*Хар қайн боқсам, юзимга ул  
кўшдан нур эрур,  
Хар сори қилсам назар, ул ой  
манга манзур эрур.*

— Хотин-қизлар жамият кўржи ва таянчи. Жамият эса яхши тарбия кўрган аёл билан мукамал. Соғлом жамият, соғлом оила, ҳатто баркамол авлод ҳам аёл меҳнати, меҳри билан яратилди. Шунинг учун жамиятни аёлдан, аёлни жамиятдан айро тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Озода Мухитдинова. — Аёлларимиз азалдан давлат ва жамият тараққиётида ўз салоҳияти ва донолиги билан эътибор топган. Бугун Бибихоним, Нодира, Зулфия-хонимга муносиб ворис бўлиб сафларни тўлдирётган қизларимизнинг шижоати ва иқтидорини кўриб кўнглимиз фахрга тўлади. Негаки, мамлакатимизда аёлга эътибор катта. Аёлни улўглаб унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди, ҳайкаллар қўйилди.

Аёллар масаласи касаба уюшмалари фаолиятида ҳам долзарб ҳисобланади. Биз фидойи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларга иш ва ўқиш жойларида хатарсиз шароит яратиш, иш билан таъминлаш, дам олишини ташкил қилиш ва соғломлаштириш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратамиз. Қолаверса, Федерациянинг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастурида ҳам хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш каби долзарб вазифалар ўз ифодасини топган.

Ҳозир Федерацияга бирлашган касаба уюшма ташкилотларида мавжуд 6 млн. 489 минг 835 нафар аъзодан 2 млн. 600 минг нафардан ортқи хотин-қизлардир. Федерация, шунингдек, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши

лари, вилоят кенгашларининг 29 фойзига, туман кенгашлари ва вакилликларнинг 25 фойзига хотин-қизлар етакчилиқ қилаяпти.

## КОМИССИЯ ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-сидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида Федерация кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташкил қилинди. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Марказий ҳамда ҳудудий бирлашмалари, туман, шаҳар кенгашлари қошида ҳам комиссиялар тузилиб, алоҳида дастур асосида муайян ишларни амалга оширмоқда.

## САЛОМАТЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА СПОРТ

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида касаба уюшмалари мутасадди давлат ташкилотлари, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бора-сида турли учрашувлар ташкил қилинмоқда. Биргина Тошкент вилоятидаги маҳалла ва мактабларда ўтган йили 62492 та тadbир уюштирилиб, соғлом турмуш тарзи тарғиб этилди.

ларининг ижтимоий соҳа ҳуқуқий негизини шакллантиришга эътиборни қучайтириш, жамоа шартномаси ва келишувларини тузишга гендер тенглик нуқтаи назаридан ёндашиши бу борадаги адолатни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилётган турли имтиёзлар вазириликлар, ҳудудий бошқарма ва бўлимлар, иш берувчилар билан барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойили асосида тузилаётган тармоқ ва жамоа келишувлари, жамоа шартномаларида ўз аксини топаёпти.

Федерация кенгаши ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаятган аёллар меҳнатини муҳофаза-лаш билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол

бурсор аёллар алоҳида ҳурматга сазовор. Вилоят бирлашмаси кенгаши раислари Бибиражаб Мухамедова, Ойсулув Нафасова, Муҳайё Тўлагановалар барчага ўрнатқар.

Раҳбар Раҳмонова ЎзКУФКнинг халқаро ишлар бўлими мудирини. У ташаббускор, фидойи, бир сўз билан айтганда, замонавий аёлга хос барча фазилатлар эгаси. Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоси сифатида ҳам аёллар манфаати учун ҳаммша елиб-югуради.

Маҳмуда Мурзаева таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудирини ҳамда ЎзКУФКнинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисини ўринбосарини. У қайси ишга қўл урмасин, натижасидан аёллар баҳраманд бўлади. Эл қувончидан ўзи қувонади. Республикаимизда қанча таълим муассасаси бўлса, барига унинг қадами етган.

Насиба Тиллахўжаева Федерация кенгашининг қилни қирқ ёра-диган ҳуқуқшуносларидан. У меҳнатқашлар ҳуқуқининг ҳимоячиси, одамларнинг мушқулини осон қилиш учун тиниб-тинчимайди. Ноҳақликка мурасасизлик касаба уюшмаси нуфузини оширишини доим ёдда тутати. Опанинг бево-

рилди. Марказий кенгаш тасарруфидаги «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг моддий-техник базасини яхшилаш учун 116 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Республика бўйича тармоқ ходимлари фарзандларидан 6 минг нафардан ортқи ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. Шунингдек, 2500 ходим турли санаторийларда саломатлигини тиклади.

Тармоқ касаба уюшмаларига 785 нафар хотин-қиз меҳнат ҳуқуқларини тиклашда ёрдам ўраб мурожаат қилган. Қонун талаблари асосида мурожаатлар ижобий ҳал этилди. Фарғона вилояти Бўвайда туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Б.Зокирова 50 ёшида пенсияга чиқарилиб, ишдан бўшатилган, лекин ходимнинг умумий стажи 24 йил бўлгани сабабли имтиёзли пенсияга чиқа олмаган. Комиссия аъзоларининг аралашуви билан у ишга тикланди. Шунингдек, Сурхондарё вилоят перинатал маркази чақалоқлар бўлими ҳамшираси Д.Саидмуродова иш ҳақи кам тўланаётгани аниқлиниб, тўғри ҳисоблаб берилди. Қорақалпоғистон тармоқ кенгашининг аралашуви билан 3 нафар ходим ишга тикланиб, бекор юрган қунлари учун моддий зарар ундириб берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президент фармонлари ва қонунларда аёллар учун бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Лекин текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, иш берувчилар қонунни яхши билмаслиги, касаба уюшмалари доимий назорат олиб бормаганлиги боис баъзи муассасаларда аёллар қонунчиликда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан баҳраманд бўлмаган. Бунга мисол қилиб Узув ва Сарисийё туманлари, Сирдарё вилояти шифохоналарини кўрсатиш мумкин.

...Айни қунларда ЎзКУФК тасарруфидаги барча касаба уюшма ташкилотларида иш берувчилар билан ҳамкорликда имзоланган жамоа шартномасига асосан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб тadbирлар ўтказилиб, дилбар аёлларга, оловқалб қизларга алоҳида эътиром кўрсатилмоқда.

Эзгулик ва гўзаллик тимсоли бўлган аёлни қанча улўғласак ҳам оз.

Амина КОДИРОВА

# Аёл қалби — Эзгулик уммони

Хар йили жамоа шартномалари ва келишувлари бўйича 600 мингдан зиёд аёл кўшимча таътил олади. Мактаб ёшига етмаган боласи бор 200 минг аёл учун қисқартирилган иш куни белгиланган.

ЎзКУФКнинг «Ф.Эберт номидаги жамғарма билан ҳамкорликда субрегионал семинар ўтказиши тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган йили 1-3 апрел қунлари Касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси таркибидagi Аёллар тармоғи томонидан Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари учун «Жамоа музокараларида гендер тенглиги масалаларига комплекс ёндашув» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Саломатлик, гўзаллик ва спорт аёллар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки саломатлик ва гўзалликка фақат спорт орқали эришиш мумкин. Касаба уюшмалари шуни ҳисобга олиб, хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни жонлантиришга камарбаста бўлмоқда. Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида уюштирилган «Раҳбар аёллар спартакиадаси», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Ал-поминиш ва Барчиной» спорт тadbирлари аёлларни соғломлаштиришга йўналтирилди.

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Мамлакатимиз гендер тенглик, хотин-қизларга нисбатан турли чекловларни бекор қилиш сиёсатини юритиш мажбуриятини зиммасига олган. Шунга қўра, касаба уюшма-

қатнашаётганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, ноқулай шароитда бажариладиган ишлар белгиланиб, бундай ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланди. Шунингдек, қўлда юк кўтариш ва ташишда ҳам аёллар учун чекланган оғирлик миқдори белгиланди.

## УЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАХРИ

ЎзКУФКда Римма Верешагина, Мавлуда Шукурова, Клара Шоюсупова, Наима Жабборова каби фидойи аёллар ишлайдики, уларнинг ҳар бири ўзига хос олам. Касаба уюшмаларининг ҳақиқий жонқура-лари.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашлари раислари орасида Озода Мухитдинова, Маъмура Одилова, Жория Алимуҳаева, Малика Жалилова каби фидойи, ташаб-

сита иш-ҳаракати билан меҳнатқашларнинг ариза ва шикоятлари қонун доирасида ўрганилиб, адолатли ҳал этилмоқда.

## КАМАРБАСТА

— Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг 736 мингдан ортқи аъзоси бор, — дейди тармоқ Марказий кенгаши раиси Озода Мухитдинова. — Шифокорларнинг 54 фойзи, ўрта тиббиёт ходимларининг 90 фойзи аёллардир. Шу боис аёллар масаласи тармоқда асосий ўрин эгаллайди.

Ўтган йили Марказий кенгаш томонидан кам таъминланган 4700 ходимга касаба уюшмаси маблағидан 118 млн. сўм, фарзанди 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган минг нафар онага 36 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам бе-

Аёл борки...

Аёл она, рафика, опа, сингил. У оила бекаси, миллат тарбиячиси, давлат арбоби каби вазифаларни ҳам зиммасига олган. Шарқ мамлакатларида аёллар қадимдан сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётда муҳим рол ўйнаганлар. Оқиллиги-ю мафтункорлиги, санъати-ю илми билан танилган ҳамюртларимиздан айримлари ҳақида маълумот беришни жон деб топдик. Аслида уларга таъриф бериш ортқича, амалга оширган ишларининг ўзбек кўнгил покчилиги, фидойиликдан сўйлайди.

Ердаги фаришталар

Улуғ хоним Темурийлар тараққиётига тенгсиз ақли, пухта маслаҳатлари билан ҳисса қўша олган Сароймулкхоним барча маликалардан улуғроғи ҳисобланиб, «катта хоним», яъни «Бибихоним» унвонига ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Буюк жаҳонгирнинг муҳаббати ва эъзозига сазовор Бибихонимга соҳибқироннинг ўғли Шохруҳ Мирзо, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқаларнинг тарбияси билан шуғулланиш топширилган эди. Закий хоним бу юмушни аъло даражада бажарганини тарих исботлаб турибди.



«Ойда тутам, кунда қулоч...»

Ўзгалар учун соч фақат гўзаллик воситасидир, аммо биз ўзбеклар учун у қадриятлар рамзи, урф-одатлар риштаси ҳам. «Ойда тутам, кунда қулоч» сўзлари билан бошлангучи халқ кўшиқлари кўчлигиимизнинг қулочларимизга сингиб кетган. Диллар оромини ўнгирлағувчи, таъриф-таъсифи дostonларга кўчган сочларга аталган бу кўшк жамалак ўрилганда айтилган. Сочлар ўрилганда унинг сонини ҳам бўлиб санаган. Жамалакларнинг сони тоқ бўлиб чиқса, яхши ҳисобланган. Чунки тоқ ўрим ўзига шерик чорлайди, натижада эса соч қалинлашади. Жамалакнинг эври қирқтадан ошади. Шу билан бирга ўттиз етти, ўттиз тўққизта ўрим ҳам чиройли бўлиб, тўлиб туради. Сочлар қоматининг текис бўлиб ўсшига ёрдам беради. Чунки бош ёхуд қомат бир томонга эгилса, соч ўрими тушиб халақит беради. Сочларни текис тутиб туриш учун қизлар қоматларини тик тутадилар. «Сарву санобардек» аёл бўйлар шундан бино бўлса ажаб эмас. Соч учларига одатда момикдан соччилик қилинган. Баъзан сочпоқлардан фойдаланилган. Попуқ беазага турли маржонлар, кўзмиңчоқлар ишлатилган. Бугунгидек эрта баҳор кунларида толбаргақлардан чамбар қилиб, баргақлар соч таласига қўшиб ўрилган. Бундай жамалаклар қалдирғочдан ҳам аввалроқ кўклардан дарак берган. Сиз-чи, азиз қизларжон! Баҳордан дарак бердингизми?! САРАФРОЗ

Ифтихор

Ўзбекиона нафосат ҳамроҳ бўлсин!

Мен ўзбекининг энг бахтли қизлариданман. Давлатимизнинг ёшларга бўлган эътиборини дилдан ҳис қилдим. Бу фақатгина нуфузли мукофотни кўлга киритганим билан боғлиқ эмас.

Деярли ҳар кун тенгдошларимнинг илмдаги ютуқлари, санъатдаги изланишлари ҳақида қувончи хабар эшитамиз. Бу яратилган шароит, ижоддаги эркинлик ва олам-олам эътибор самарасидир. Бугун нимани кўлга киритган бўлсам, бунда икки бетақдор инсоннинг хизмати бекиёс. Онам Раъно Алимова, муҳаббат Қурбонова, «Нихол» мукофоти совриндори

рибон ва талабчан устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Карима Узоқоваларнинг сабоқлари туфайли мухлислар олқишига сазовор бўламан. Изланишларим ва халқимизнинг ишончи туфайли, Ўзбекистон давлат санъат институтининг 3-курсда таълим олаётганимда, яъни 2007 йили «Нихол» мукофотига лойиқ топилдим. Бугунги кунда магистратура босқичида тахсилни давом эттиряпман. Мукофот олганимдан сўнг ўзбек санъати ва маданиятини рақсларим орқали

Хиндистон ва Қозғистонда намоий этиб келдим. Бундан кейинги энг олий мақсадим ҳам юртимиз обрўси, шаънини миллий рақсларимиз жилоси билан бутун дунёга ёйиш бўлиб қолади.

Баҳор сепини ёяётган ушбу кутлуг кунларда юртимиздаги гўзал аёлларимизни, орзулари бир олам қизларимизни байрам билан кутлайман. Юртимиз қизларининг гулгун чехрасини ҳар доим ўзбекиона нафосат беааб турсин!

Муҳаббат ҚУРБОНОВА, «Нихол» мукофоти совриндори

Зулфияхоним қизлари

«Томиримда оқаётган — шеър...»

Халқимизда «қон сурди», «қонига тортиди» деган гаплар бежиз айтилмайди. Адабиёт ихлосмандлари истеъдодли шоир, моҳир таржимон Чори Аваз (1957-1992)ни яхши билишади. Унинг оташин ижоди вақт ўтган сари минглаб, миллионлаб қалбларга сингиб бораверади.

Марҳум шоирнинг қизи Гули Нигор Авазова ҳам болалигидан кўла билан сирдош тутинди. 1988 йил 2 майда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган Гули Нигорнинг «Уйғон, кўнгил» (2000), «Журлигимни куйлайман» (2002), «Тонг чорлови» (2004), «Бахтим бешиги дунё» (2005) каби шеърый тўпламлари, бадиий публицистик йўналишдаги «Саодатга йўлловчи маскан» (2003) ҳамда «Ўзбекча «қарамок» ва англисча «to look» феълларининг қиссий таҳлили» номли илмий китоблари чоп этилган. У 2005 йили ўрта мактабни имтиёзли гувоҳнома билан тамомлади. Ўша йили адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетига ўқишга кирди. Айни пайтда Ички ишлар вазирлиги билан тахририятда фаолият кўрсатмоқда.

— Шу даражага эришимда онам Зебо Омонова ва устозларимнинг катта меҳнати синган. Ижодимнинг ilk мухлиси онам бўлади. У киши шеърларимнинг камчилиги ва ютуқларини кўрсатиб, мени ижод қилишга ундашдан чарчамайди, — дейди Гули Нигор. — Шунингдек, Акбар Нурматов, Мақсуда Тоирова ҳамда Қобил Шокиров, Бобомурод Тошев, Зикрилла Нейматов, Нурали Очиллов каби устозларимнинг ҳам ижоди, ҳам ишдаги беиминат ёрдамини ҳеч қачон унутмайман.

Салим АБДУРАҲМОНОВ

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Зарнигорнинг юксак мақсади

Зарнигор Ортиқова Самарқанд туманидаги 14-мактабни тугатган. Ҳозирда Самарқанд олимпиада захиралари коллежи енгил атлетика бўлимининг биринчи босқич талабаси. Бир неча бор Ўзбекистон чемпионатининг олтин медали совриндори. Унга яна омад қилиб боқди. Енгил атлетика бўйича Республика олимпиада захиралари коллежида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари анъанавий халқаро турнирида ҳам ўз истеъдодини намоий этиб, 1500 метрга югуриш бўйича олтин медал соҳиббаси бўлди.

Зарнигор эндигина ўн етти баҳорни қаршилади. Умидли ёшларимиздан. Режалари ҳам бисёр. 14-26 августда Сингапурда бўлиб ўтадиган биринчи олимпиада йўналишида муносиб катнашиш истагиди. — Зарнигор, авваломбор байрамнингиз билан муборакбод этамиз! Ва,

албатта, ғалаба билан ҳам табриқлаймиз. Ўзингиз ҳақингизда мушаррайларимизга гапириб берсангиз. — Ёшлигимда спортнинг енгил атлетика ва баскетбол турларига қизиқардим. Кейинчалик бу иккаласидан бирини танлашга тўғри келди. Ҳеч иккиланмасдан енгил атлетикани танладим.

Нимагаки эришган бўлсам, унда мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳиссаси катта. — Келгуси режаларингиз? — Келажакда, насиб этса, халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя этиб, олимпиада йўналири, жаҳон ва Осиё чемпионатларидан олтин медал-

лар билан юртимизга қайтиш. Мамлакатимиз спортчиларининг нималарга қодирлигини нуфузли спорт анжуманларида намоён этиш.

— Байрам тилакларингиз? — Мамлакатимизнинг барча аёлларини 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Баҳорий кайфият уларни йил бўйи тарқ этмасин! Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Мехр тимсоли

Уни кўпчилик мехр тимсоли деб атайдилар. Укаси учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган, яқинларидан ажралганда ҳам нолимаган ва аёл сабр-тоқат рамизи ҳамдир.

Мирзо Бобурни энг мушкул вазиятдан қутқарган Хонзодабегим ўзининг ақл-идроки ва тadbиркорлиги натижаси уларок, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзодабегим Бобур ва Хумоюн саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

«Фалакким, гардиши даврон...»

Мохларойим юксак бадиий истеъдод соҳибиди, дилкаш, самимий, маърифатпарвар ўзбек аёллариди. У Амир Умархоннинг яқин маслаҳатчиси эди. Шунингдек, Увайсий, Маҳзуна, Дилшоҳи Барно, Анбар отин каби ўзбек мум-

Тил илмининг Маликаси

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия таълим академиясининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Мазлума Аскарваннинг тадқиқотларини мосқаллик олим Э.Урбатова «дунё туркологиясининг олтин фондидан ўрин оладиган» иш сифатида баҳолаган эди. «Ҳозирги ўзбек тилида эргашши формалари ва эргаш гаплар» монографиясининг Гарвард университети кутубхонасида сақланганлиги, швейцария, туркиялик ва япониялик қатор туркшунос-тилшуносларнинг олимпиа ижодида алоҳида қизиқиш билан қараб келаятганилиги ҳам профессор Э.Урбатова ҳақ гани айтганидан далоятдир.

Олима шу кунга қадар ўнга яқин докторлик ва ўттиздан ортқ номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Мазлума Аскарвава кўпчилик эътироф этганидек, том маънода тил илмининг маликасидир. Дилдора РАҲМОНОВА



«Аёллар айёми» кроссворди

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 1. Устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева ташкил этган, дунёга машҳур рақс ғуруҳи. 2. Уткир Хошимовнинг «Қалбинга қулоч сол» кинесаси қаҳрамони. 3. Қошни қорайтирувчи модалди пардоз асбоби. 4. Доира шаклидаги гул — нақш билан қопланган каштачилик маҳсули. 5. Асосан аёллар хунармандчилигига хос бадиий буюм, хона жиҳози. 6. Мақолдан: ...ни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. 7. Аёлларга ҳамдат билан мурожаат этилганда қўлланиладиган сўз. 8. Моҳир тикувчи. 9. Истеъдод, хизмат туфайли эришилган шухрат. 10. Волидаларнинг азалий кўшиги. 11. Кино санъатимиз дурдоналаридан ҳисобланувчи «Мафтунингман» фильми

қаҳрамони. 12. Мақолдан: Соғ юрай десанг... бўл. 13. Билимдон аёл. 14. Ўзбек маърифатпарвар шоираси. 15. Мақсадни амалга ошириш учун кишида бўлган матонат ва қатъият маъносигадаги аёллар исми. 16. Тортиқ қилиб берилган нарсаси. 17. Гўзал, қомати келишган аёл. 18. Рус болалар шоираси. 19. Экранлаштирилган ҳинд эпоси «Махабхорат»даги бош қаҳрамонлардан бири, савдоқатли ёр. 20. Қош, киприклари бўяш учун ишлатиладиган қорамтир пардоз бўёғи. 21. Аёллар исми. 22. Каштадўликда гул тикши усулларидан бири. 23. Ўзбек халқ рақс куйларидан бири. 24. Назимий асарлар йўналишидаги аёл. 25. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» кинесаси қаҳрамони. 26. Турфа рангдаги миллий ипақ газлама. 27. Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги вафодор машуқа тимсоли ҳисобланувчи қаҳрамонлардан бири. 28. Аёллар ҳам шуғул-

ланаётган миллий спортимиз. 29. Эгизак қизалоқлардан бирининг исми. 30. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чай» романи қаҳрамони. 31. Хушрўй, нозанин аёл. 32. Соч ўрими 33. Гўзал ёр шаънига айтилладиган қўшиқ. 34. Хоразм халқига мансуб машҳур рақс куйи 35. Тарафма-тароф бўлиб ижро этиладиган қўшиқ. 36. Орасталлик буюми.

«Оналар мадҳи» муаммонмаси Калит сўзлар: 1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги давлат арбоби, адолатли халқ ҳукмдори, мамлакат ободлиги, халқ осойишталиги учун қурашувчи аёл сиймоси - 8, 23, 24, 6, 2, 9, 5, 2, 11. 2. Улуғ шоирнинг ҳадиси шариф асосида ёзган машҳур рубоийсида: Оналарнинг оёғи остидадур, Равзан 13, 7, 2, 2, 7, 4, 11 жинон боғи, Равза боғи висолин ис-

тар эсанг, Бўл онанинг оёғи ости туфроғи. 3. Заргарлик буюми, тақинчок — 17, 6, 1, 7, 20. 4. Кимсанинг фарзандини боқиб, тарбия қилувчи аёл — 22, 2, 7, 16, 7. 5. Заргарликда ишлатилладиган турли рангда товланадиган қимматбаҳо маъдан — 25, 14, 11, 4. 6. Ёрга, дўстага яқин кишиларга савдоқат — 19, 7, 21, 5. 7. Миллий ипақ газламанинг саккиз топкили тури — 26, 5, 2, 7, 4, 18, 7, 15. Ўзбек халқ мақолларидан: 8. Синглинги 14, 10, 18, 6, 2, 16, 3, 7. тугсанг, Онагани бошингда тут. 9. Ога-ини тотув бўлса от кўп. Опа-сингил тотув бўлса 5, 12. кўп. Энди калит сўзлари жаовблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонмани ҳал этинг. Бунда улардан форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий ёзиб қолдирган тўрт мисра ҳикматни билиб оласиз. Тўзувчи: Фозилжон ОРМОНОВ

Газетанинг навбатдаги сони 11 март, пайшанба кунини чиқади.

Advertisement for 'Ishonch' magazine, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.